

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Технология факультети

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан

Мавзу: Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал килиши.

Реферат

Бажарди:

12-ТМЖ-12 гуруҳ талабаси
Г.Тўрабоева

Қабул қилди:

доц. А.Соҳадалиев

Наманган-2014 йил.

Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал килиши.

Режа

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, асосий белгилари ва ривожланиш босқичлари.
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари.
3. Бозорнинг моҳияти ва тузилиши.
4. Бозор турлари.

1. Бозор оддий ва ҳаётий юзаки тушунчани билдирса, бозор иқтисодиёти тўла ва илмий тушунчадир. Бозор иқтисодиёти товар муомаласи, иқтисодий алоқа усулигина булмай, балки у иқтисодий тизимдир, яъни иқтисодий тизимга хос барча хусусиятларни ўзида акс эттирувчи ва иқтисодиётнинг барча томонларига таъсир этиб ўзига қамраб олувчи иқтисодий тизимдир. Бундай фикрни Самуэльсон, Л.Брю каби етук иқтисодчи олимлар илгари сурадилар. Бозор иқтисодиёти соҳалар ва тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги асосидаги бирликдир. Демак, бозор иқтисодиёти деганда шуни тушунишимиз керакки, бу аввало бозор усулидаги иқтисодиёт, бозор муносабатлари асосида ривожланаётган иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиётида бозор муносабатлари тизими юзага келади. Иқтисодиёт шундай тизим асосида ривожланади. Иқтисодиёт назарияси дарслиги муаллифи А. Ўлмасов ва М. Шарифхужаевлар «Бозор иқтисодиёти эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишига эга бўлган иқтисодиётдир», - деб таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, «бозор бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлари уларнинг ўзаро алоқаларидир» - деб товар муомаласи ва алоқа усули билан чегаралаш тушунчаси ҳам мавжуд.

Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракатдаги, ўзини ўзи бошқарувчи ва тартибга солувчи ички қудратга эга. Адам Смит бунини «Кўринмас қўл» деб атаган. Бу «қўл» жамият учун керак бўлган нарсаларни яратади. А. Смитнинг хулосаларига кўра, ҳар бир кимса ўз фойдаси тўғрисида ўйлайди, лекин уни йўналтирувчи «Кўринмас қўл» у ўзи ўйламаган натижага олиб келади. Бу қудратли қўл бозор муносабатларидир.

Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий сарфга келтирилиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариш каби алоқаларни билдиради.

Бозор иқтисодиётнинг муҳим томони шуки, у инсон манфаатидан келиб чиқади, чунки барча бозор иштирокчилари гуё ўзларинг шахсий ўзгаришлари учун курашадилар, амалда эса деярли барчанинг манфаати таъминланади. Бозор иқтисодиёти устунлиги, унинг муҳим белгиси - иқтисодий плюрализм

ҳисобланади, яъни мулк шакллари ва ҳўжалик юритиш усулларнинг турли - туман бўлишиди. Турли мулклар эркин ёнма - ён, ҳеч бир чегарасиз ҳолда ривожланади. Турли мулклар мувозанатда бўлиб, айрим мулк шаклларининг ҳукмронлигига йўл берилмайди. Ҳўжалик юритиш усуллари ва шакллари ҳам ҳар хил бўлади. Якка тартибда жамоалашган ҳолда шерикчилик пайчилик тарзда ўз маблағи ёки қарзга олинган маблағга таяниб ҳўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар биргаликда борада.

Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилаган товарларнинг мулк объекти бўлиши, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишлидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи уз товарини ўзи билангина ишлатади. Ҳар бир корхона, ташкилот айрим фуқоро ўз ихтиёрига кўра ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Ҳўжалик юритувчилар фаолияти бир - биридан алоҳидалашган бўлади. Чунки улар биринчидан мулк эгалари, иккинчидан меҳнат тақсмоти асосида ихтисослашиб ҳар хил иш билан шуғулланишади. Бозор иқтисодиётининг ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тармоқ ҳолда фойда зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар, аммо уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин бари бир бозор орқали бир - бирига боғланади. Демак, бозор иқтисодиёти эркин бўлганидан у ҳар қандай иқтисодий монополизмни инкор этади.

Иқтисодий монополизм - корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг умуман иқтисодиётида ёки унинг бирор соҳасида танҳо ҳукмронлик қилиши. Иқтисодиётдаги монополизм ишлаб чиқаришнинг ўзида савдо - сотиқда, кредит банк тизимида ёки истеъмол доирасида мавжуд бўлади. Иқтисодиётдаги монополизмнинг таянчи муайян мулк шаклининг танҳо ҳукмронлигидир. Иқтисодий тараққиётга йўл очиш учун иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш зарур, чунки монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо бўлади. Рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб, бозорда ўз измини ўтказиши мумкин. Монополия турғунликни юзага чиқаради, ташуббусни чеклайди.

Ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиёти давридир.

Президентимизнинг барча асарлари бозор билан узвий боғлиқдир. И. А. Каримов асарларида аввало бозор иқтисодиётининг зарурияти очиб берилади: «Ички сиёсатнинг негизи инсон манфаатларига қаратилган, меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмга эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир».

Бу фикр «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида янада ривожлантирилган. «Бозор иқтисодиёти умумбашарий ҳодиса бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичдир. Тартибли асосида қурилган бозоргина ҳозир халқнинг ижодий, меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхўрликни тугатишга, ташаббускорликни ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унутиб юборилган ҳўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодир».

Шу асарда нафақат ҳозирги кунда иқтисодиётни соғломлаштириш, балки мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётини учун асос бўлиши таъкидланган: «Фақат бозор муносабатларигина республика ишлаб чиқариш кучлари заминидagi улкан имкониятлардан халқ бахт саодати йўлида, унинг турмуш даражасини ошириш мақсадида самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин».

Бозор иқтисодиётига ўтиш мақсад эмаслиги, у жамият ривожланиши йўлидаги восита эканлиги президент томонидан алоҳида уқтирилади: «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу даврнинг амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги кадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигини сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир».

И.А.Каримов асарлари бозор иқтисодиёти билан боғлиқ масалаларга жиддий ёндашиш тавсия этилади. Гарчи бизнинг юртимизда бозор муносабатларининг тарихий илдизлари мавжуд бўлса ҳам ўйлаб иш кўриш талаб этилади: «Мажозий маънода айтсак, ҳозирги бозор иқтисодиёти бамисоли бир денгиз, унинг тинч ва саёз жойлари ҳам, чуқур, тошқин мавжлари ва ўрталари ҳам мавжуд.

Ҳаммамиз яхши англашимиз зарур: шоша - пиша, манзилни билмай, юмуқ кўз билан бу денгиз бўйлаб эркин сузиш бўлмайди. Авваламбор, сузиб ўтиладиган сарҳадни яхшилаб аниқлаб, мустаҳкам кема танлаб, ишончли команда тузиб, уни нотинч уммонда сузишга ўргатиб ана ундан кейин йўлга чиқиш керак, бу шундай мураккаб ва қийин вазифа».

Президентимиз асарларида бозор муносабатлари ва унинг механизми амал қилиши учун зарур бўлган шарт - шароитларга катта эътибор берилади. Уларга энг аввало қуйидагилар киради:

1. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни яратиш.
2. Нархларни босқичма - босқич қўйиб юбориш ва соғлом рақобатни юзага келтириш.
3. Хўжалик алоқаларини ривожлантириш, бозор инфраструктурасини юзага келтириш.
4. Аҳолини кучли ҳимоя қилишнинг кучли механизмини ишга солиш.

Бозор иқтисодиёти устида гап кетганда, Ўзбекистонда шаклланиб келаётган ижтимоий жиҳатдан йуналтирилган бозор иқтисодиётининг узига хослиги назардан четда қолмаслиги керак. Ижтимоий жиҳатдан йуналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордагина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади. Унинг эркин бозордан муҳим фарқи шундаки, у ижтимоий - иқтисодий асосларнинг синтез ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти тула - туқис ҳам бозор иқтисодиёти ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий қафолатлар ва ижтимоий адолат билан белгилаш мақсадини қўллайди. Хўш, бозор иқтисодиёти устунлиги нимада? Узининг қандай хусусияти билан жаҳонда ҳукмронлик қилмоқда?

Бунда энг аввало манфаатлар тушунчасига аниқлик киритиш керак. Маълумки, инсон манфаати деганда кенг маънода уч хил манфаатни тушуниш мумкин: ижтимоий жамоа ва шахсий. Бозорни инкор этувчи собик социализм тизимида шахсий манфаат уз урнини топа олмаган ва камситилган. У иккинчи даражали аҳамият касб этиб келган. Асосий манфаат ижтимоий манфаат бўлиб, у ижтимоий мулкка, асосланган, шахсий манфаат эса умумий манфаатдан, давлат манфаатидан келтириб чиқарилган. Бундай шароитда ижтимоий манфаат устунлиги ва унга шахсий манфаатнинг тобелиги тамомила ҳукм сурган. Ҳатто жамоа манфаати ҳам шахсий манфаатдан устун турган. Биламизки, шахсий манфаат доимо таҳқирланиб, уни ижтимоий манфаатга тенглаштириш ёки устун қўйиш ҳаттоки жиноий мазмунга эга бўлган.

Шахсий манфаатга бу ҳол бўлиши жамият тараққиётига, айниқса: иқтисодий тараққиётга катта зарар келтирди. Шахсий манфаат асос бўлмаган, ижтимоий манфаат устунлигига асосланган жамият ва унинг иқтисодиёти истикболсиз эканлиги ўтган социалистик жамият амалиётида яққол кўринади, зеро жамият инсонники бўлгани сабабли давлат ҳам инсон учун хизмат қилмоғи жуда муҳимдир. Шахсий манфаатни инкор этувчи тузумнинг келажаги йўқлиги умри қисқа эканлиги аён. Ижтимоий мулкга асосланган тузум бозор тизимини инкор этиб келди, хусусий мулкни барбод этди, соҳаларда умумийлик, ижтимоийлик ўрнатиб борилдики, бундай шароитда шахсий манфаатдорлик ҳеч вақт устун бўлишига ўрин қолмади. Бозор иқтисодиётининг қонунияти шуки, унда талабга мос, сотиладиган товаргина ишлаб чиқарилади. Бу тадбиркор, ишлаб чиқарувчи харидор, истеъмолчининг манфаатини эътиборга олишга мажбур деган сўз. Нобозорча ҳукмронлиги шароитида эса ишлаб чиқариш устунлиги туфайли ишлаб чиқарилган товаргина сотиб олинади ва талаб эканлиги, инсон шахсий манфаати устунлиги шароити ҳам яратилмаган бўлиб, буни фақат бозор иқтисодиёти ривожини ҳам қилиши мумкин. Мамлакатимизда шу давргача мавжуд бўлган иқтисодиётни нобозор иқтисодиёт дейиш мумкин. Чунки у бозор муносабатлари тизимига эга эмас. Нобозорча маъмурий - марказлашган иқтисодиётнинг истикболсиз ва самарасизлигини таъкидлаб, унинг салбий томонларига эътибор берарканмиз, бунинг асосийларига қуйидагиларни киритамиз:

1. Маъмурий бошқарув, мажбурий марказий режалилик ва умумий итоатли.
2. Хўжалик бошқарувининг ўта марказлашуви.
3. Хўжаликнинг аниқ ҳаракат шароитларини ҳисобга олмаслик.
4. Хўжалик ва уларнинг иш манфаатларини эътиборга олмаслик.
5. Ижтимоий - иқтисодий ва хусусий иқтисодий манфаатлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши.

Маъмурий бошқарув суннийликка асосланади ва бунда субъектлик ҳукромлик қилади. Иқтисодиёт ўзининг объектив қонунлари асосида ривожлана олмайди. Маъмурий режали тизим дарида иқтисодиёт ўз ички қонунлари бўйича ҳаракатда бўлмай, балки сиёсат ва ғоя таркиблиги остида

эди. Шахсий манфаатдорликни эътиборга олмаслик, жавобгарликнинг йўқ бўлиб кетиши, бегоналик кайфиятининг авж олиб кетиши маҳсулот сифатида ўз аксини топиб, бу ҳар томонлама жамиятга зарар келтиради. Ишловчининг технологик қоидага риоя қилмаслиги туфайли ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар асосан паст сифатли, истеъмол хусусиятларининг етишмаслиги билан фарқланар эди.

Бозор иқтисодиёти тизимига келсак, бутунлай бошқача ҳолатни кўрамиз. Бозор иқтисодиёти механизми мавжуд илмий технологик янгиликларни қўлланилишини рағбатлантиради. Харажатларни пасайтириш, сифатни кўтариш товарлар ва хизматлар кўрсатиш хилларини кўпайтиришга олиб келади, ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилишини талабга мослаб боради.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим ва асосий афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бозор иқтисодиётида шахсий манфаатдорликнинг асослиги;
2. Эркин иқтисодий фаолият;
3. Хўжалик юритишдаги ташаббускорлик.

Манфаатлар ичида шахсий манфаатларнинг устунлиги ва ижтимоий манфаатлар шахсий манфаат асосида юзага келишига тўхталадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам шахсий манфаат таъминланиши, шу асосда хўжаликнинг юритилиши иқтисодий муваффақиятни таъминлайди. Яна бир муҳим афзаллик ва режали иқтисодиётдан фарқи - эркин иқтисодий фаолиятни жорий этилиши. Бозор иқтисодиётида хўжаликка бўлган муносабат, аввало ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат билан белгиланади. Бу эса аввало мулк муносабаатларига, мулк шаклларига боғлиқдир. Бозор шароитида хўжалик ўзиники бўлиши бу соҳада эркин ҳаракат, ихтиёрий фаолият кўрсатиш шароитини яратиши мумкин. Бозор иқтисодиётида ташаббускорлик, хўжалик юритишдаги эркинликдан келиб чиқади. Эркинлик жон куйдириш, бор имкониятларни ишга солишни талаб этади. Хуллас, жамият тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инсоният ҳаётининг асоси бўлган иқтисодиёт учун энг маъқул бўлган йўл бозорча ривожланишидир. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усули цивилизациянинг энг катта муваффақиятидир.

Бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари мавжуд:

А) иқтисодий мустақил мулк эгаси ёхуд истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

Б) фермер, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбиркорлар. Уларда фойда олиш йўлида иш юритиш, ишлаб чиқариш омилларини ишга солиш кузатилади;

В) давлат, аниқроғи давлатнинг барча идоралари ташкилотлари, улар ҳам ишлаб чиқариш ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларнинг корхона фирмаларга

сотадилар. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиб товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси иқтисодий плюрализмни яъни мулк шакллари ва ҳўжалик юритишнинг турли - туман бўлишидир.

Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир. Бозор харидор билан сотувчи бир - бирини эркин танлайди. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабли бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз измини ўтказди. Товар ва хизматларни сифатига қараб танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси нархларнинг либераллашуви, яъни нарх - навони эркин ташкил топиши.

Товар нархини давлат юқоридан белгиламайди. Нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи тазйиқи остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашувига биноан юзага келади. Бозор муносабатига келишилган нархдалар хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси, иқтисодиётда энг муҳим роль уйнайди. Пул муносабатлари бозор муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида унинг иқтисодиётида механизми рақобат асосий ўрин тутди. Рақобат иқтисодий муносабатлар иштирокчиларнинг хусусий, ўзгаларниқидан алоҳидалашган манфаатини билдиради, лекин бу манфаат йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисобланади. Манфаатларнинг юзага чиқаришнинг бирдан - бир йўли талабгор, яъни жамият учун зарур товарларни ишлаб чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфланган ҳолда уларни самарали ишлатиш, кўплаб ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ундайди. Шу сабабли рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга солувчи восита ҳисобланади. Рақобат иқтисодиётни тартибловчи ва назорат қилувчи кучдир. Рақобатлашувчи кучлар мувозанатда бўлиб, улардан бирортаси ҳам монопол мавқега эга бўлмайди. Эркин рақобат чекланмаган иқтисодий эркинликни ҳоҳлаган усулда кураши ҳатто монопол ҳосил этган ҳолда ўз билганича иш юритишни билдирмайди чунки рақобатни давлат тартиблаб туради. Тартибланмаган рақобат иқтисодий эркинликка қафолат бера олмайди. Иқтисодиётнинг монополлаштиришга интилишни жиловлаб тура олмайди, чунки ўзбилармонлик бўлади. Шаклланган бозор иқтисодиётида антимонопол кучлар юзага келиб, улар ҳолис рақобатга йўл берган ҳолда монополлашган йўлни тўсади. Бозор иқтисодиётининг ҳамма субъектлари учун бир хил имконият яратилади, лекин улардан фойдалана олиш ишбилармонликка боғлиқ бўлади.

Замонавий бозор иқтисодиётида, биринчидан манфаатлар тўқнашиб, рақобат юз берса, иккинчидан субъектлар ўз фаолиятини, манфаатларини ҳам мувофиқлаштиришга интилади. Акс ҳолда уларнинг иши юришмайди. Рақобат иқтисодий субъектларни ажралиши бўлса, интеграция уларни бирлаштиради. Интеграциянинг зарурлиги ҳам доим рақобат қилавермайди, мурасага келиш, шу йўсинда манфатларни мослаштиришни талаб этади.

Бозор иқтисодиётида рақобатга хос бўлмаган муносабатлар ҳам келиб чиқади. Масалан маркетинг орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади. Бунда сотувчи билан харидор ўртасида рақобат ўрнига ўзаро маъқул алоқа ўрнатилади. Харидорга керакли товар етказиб берилади, нарх эса сотувчи учун қулай бўлади. Бу ерда манфаатларнинг уйғунлашуви юзага келади.

Демак, бозор иқтисодиётида рақобатдан бошқача ҳамкорлик муносабатлари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти ўзининг иқтисодий регуляторларига эга. Бозор регулятори - бозордаги ўзгаришни ишлаб чиқаришга, етказиб унинг бозорга мослашувини таъминловчи воситадир. Улар маъмурий эмас, балки иқтисодийдир. Улардан энг муҳими бозор нархидир. Товарлар нархи ошиб, улар жадал сотилса, фойда кўпаяди, аксинча улар яхши ўтмаса, ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки ундан воз кечиш керак бўлади.

3. Бозор - бу иқтисодий муносабатлар йиғиндиси бўлиб, товарларни олиш-сотиш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Бозордаги асосий субъективлар ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), истеъмолчилар (сотиб олувчилар) ва ўртада турувчилар (воситачилар) ҳисобланади. Бозор объекти хилма-хил товарлар бўлиб, улар таркибига истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари, моддий ресурслар, иш кучи, ер-сув, иншоот, пул капитали, қимматбаҳо қоғозлар ва хизматлар киради. Бозорда талаб ва таклиф учрашади.

Агар талаб харидорлар томонидан бўлса, таклиф ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар кўлида бўлади.

1. Бозор айирбошлаш жараёни, ишлаб чиқариш истеъмол билан боғловчи восита вазифасини ўтайди.
2. Талаб эҳтиёжини қондириш билан бирга иш кучини такрор ҳосил қилишда қатнашади.
3. Иқтисодиётни тартиблашда иштирок этади ва регуляторлик функциясини бажаради. Бозор талаб ва таклифни жамлаб, уларни мувозанатлаштириб туради.
4. Бозор халқаро меҳнат тақсимооти тақозо этган иқтисодий алоқаларни ўрнатиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Бозорни функциялари хилма-хил бўлиши билан улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошади.

4. Бозор икки турга бўлинади.

1. Эркин рақобатли бозор.
2. Монополлашган рақобат чекланган бозор
Ягона бозор турлари.

Эркин бозор сотувчилар ва харидорлар доимо рақобатда бўлишади. Нарх-навони ҳеч ким назорат қилмайди, нарх бозорда эркин шаклланади.

Монополлашган бозор-рақобат чекланган ёки умуман йўқ.

Монополлашган бозорнинг ўзи уч хил бўлади.

1. Монополлашган бозор-рақобат.

2. Олигаполистик бозор.
3. Соф монопол бозор.

1. Бунда кўп бўлмаган фирмалар иштирок этади, бозордаги ҳиссаси катта бўлмайди, улар бозорда ҳар хил лекин бир-бирининг ўрнини боса олмайдилар, улар бозорда ҳар-хил, лекин бир-бирини ўрнини боса оладиган товарлар билан иштирок этадилар. Улардан ҳар бири бошқаси билан рақобатлашади. Рақобат иштирокчиларни миқдордан чекланган бўлади.

2. Бу бозорда озчилик фирмалар ва компаниялар ҳукмрон бўлади. Улар ҳам ўзаро рақобатлашадилар. Бу ерда бир хил фарқланувчи товарлар чақирилади.

3. Сотувчи сифатида бир фирма танҳо ҳукмрон бўлади, бутун бир тармоқ шу фирмдан иборат бўлиб, ундан бошқа товар берувчи бўлмайди. Унинг товарини ўрнини босадиган бошқа товар берувчи топилмайди. Бу ерда рақобат бўлмайди. (мисол АҚШ даги компьютер бозорини олиш мумкин. Бу ердаги товарнинг 80-85% ини танҳо IBM корпарацияси етказиб беради.

Тартибсиз бозор-бозор алоқалари стихияли тарзда ўрнатиладиган бозор бўла олади. Меҳнат бозорининг бир томондан иш кучи эгаси турса, иккинчисида иш кучига муҳтож корхона, фирма туради. Меҳнат бозордаги айрибошлаш оддий товарларни айрибошлаганда улар бир томонининг мулкидан бошқа томон мулкига айланади, яъни товарнинг эгаси ўзгаради.

Иш кучи пулга айрибошлаганда иш кучи унинг эгаси мулки бўлиб қолаверади, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрида бўлади. Меҳнат бозорида инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатга сотилади. Меҳнат бозорида олди-сотди битим тузилади. Меҳнат бозори аниқ шаклларда юз беради, улардан энг муҳими-меҳнат даражасидир. Меҳнат биржаси иш кучи билан унга эҳтиёжманд бўлган корхоналар, фирмалар ва бошқалар ўртасида воситачилик қилади.

Молия бозори-бу бозор тизимининг энг муҳим элементи бўлиб, молия ресурслари (пул ва пулга тенглаштирилган қимматбаҳо қоғозлар) бозоридир (облигация, акция). Интеллектуал товарлар бозори - бу акция меҳнат маҳсули бўлмиш товарлар ва хизматларни айрибошлашни билдиради. Бу ерда сотувчилар сифатида махсус товарлар ҳисобларган илмий ғоялари, янги технология, хилма хил ахборот, санъат ва адабиёт, асарлари ва ҳоказоларни таклиф этувчилар шаклланадилар. Харидорлар-фирмалар, давлат идоралари, ташкилот ва муассасалар. Бу бозорда купинча инновация фирмалари иш юритадилар.

Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар:

Бозор иқтисодиёти тушунчаси, бозор иқтисодиётини субъектлари, иқтисодий эркинлик шарт-шароити, иқтисодий плюрализм, товар ва хизматлар тўкинлиги, тўйинган бозор. Харидор измининг устунлиги, нархларнинг эркинлиги, иқтисодий регулятор, иқтисодиётнинг шароитга мослашувчанлиги, бозор иқтисодиётининг социал-адолатқоидалари, бозор тушунчаси, бозорнинг объектлари ва субъектлари, тартибсиз ва тартибланадиган бозор, тақчил бозор ва тўйинган бозор. Эркин, монопол

рақобатли, олигополистик ва соф монополия бозорлари, бозор сегменти ва унинг мезонлари, хизматлар бозори, ишлаб чиқариш ресурслари бозори, кўчмас мол-мулк бозори, биржалар савдоси, чакана савдо ва унинг кўринишлари, ишчи кучи, молия, интеллектуал товарлар бозори,

Адабиётлар (I-1, 15,24,35, II-10, 11,20, 25,27, III-1,2,3,5,6,7,8,9)